
QONUN USTUVOR, JAZO MUQARRAR

Бугун туман мусиқа ва санъат мактаби биносида Жиноят ишлари бўйича Тошлоқ туман судининг раиси А. Раҳимов раислигида сайёр суд мажлиси бўлиб ўтди. Сайёр суд мажлисида туман ИИБ бошлиғи А. Каттабеков, Фарғона вилояти ИИБ 1-МММ бошлиғи ўринбосари Б. Раҳмонқулов, Фарғона вилояти ИИБ ЖХХ пробаця бошқарма бошлиғи ўринбосари К. Расулов профилактика инспекторлари ҳамда Пробаця гуруҳида назорат остида турган 500 дан зиёд шахслар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Суд мажлисида кўрсатилган жазо турлари учун ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажармаган меҳнатга ҳалол муносабатда бўлмаган, жазони ўташдан бўйин товлаган 3 нафар назоратда турган шахсларга нисбатан жазони оғирроғига алмаштириш юзасидан ҳукм чиқарилди. Пробаця назоратда турган, суд томонидан ўрнатилган тақиқ ва чекловларни бузмасдан меҳнатга ҳалол ва виждонан ёндашганлиги сабабли 10 нафар шахсларга нисбатан тўпланган ҳужжатлар кўриб чиқилиб улар муддатидан илгари шартли озод этилдилар. Сайёр суд мажлисида шунингдек 10 дан ортиқ маъмурий ишлар ҳам кўриб чиқилди.

2024-02-01 16:25:35